

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

282 Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши ва транзит бўйича бўлишини назорат қилишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарори 1-иловасига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 12-сон, 66-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор билан киритилаётган ўзгартиришлар 2011 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 30 июнь,
194-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 30 июндаги 194-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт
воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат
қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил
17 декабрдаги 274-сон қарори 1-иловасига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «103» рақами «118» рақами билан алмаштирилсин.
2. 3-банддаги «230» рақами «265» рақами билан алмаштирилсин.